



## Ислom Нури

Аллоҳ таоло “Зухо” сурасининг 9-оятида шундай дейди: **«Бас, энди Сиз ҳам етимларга қаҳр қилманг».**

“Инсон” сурасининг 8-оятида етимларни суюб, таом берганларни мақтаб шундай дейди: **«Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар».**

«...» :«...»

Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана шундай турамиз» деб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бир-бирига тегар даражада бирлаштириб, ишора қилдилар.

«...» :«...»

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Хоҳ ўзига, хоҳ бошқага қарашли етимни кафолатига олган одам мен билан жаннатда мана бундай туради», дедилар. Ровий шундай деб, кўрсаткич ва ўрта бармоғига ишора қилди.



## Ислом Нури

### Шарҳ:

Балоғат ёшига етишдан аввал отаси вафот этган бола етим дейилади. Навниҳол ёшида белига қувват, йўлига ҳамроҳ ва мушкулига ечим бўладиган қаровчисини йўқотган болага кафил бўлиб, тарбиялаб, меҳр-мурувватини кўрсатган кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам катта мартабаларни ваъда қилдилар.

### Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Етимларни кафолатига олиш ажру мукофотли амал.
2. Етимни кафолатига олиш жаннатга киришга ва жаннатда олий даражаларга етишга сабаб бўлади.
3. Бу мукофотга етимга кафил бўлган ҳамма – ҳоҳ қариндош бўлсин, ҳоҳ бегона бўлсин – эришади.